Ziraat Bank Uzbekistan

# BİREYSEL KREDİLER
# UYGULAMA ESAS VE USULLERİ

| | |
|---|---|
| **YAYIMLAYAN** | Kredi Tahsis ve Yönetimi GMY |
| **YAYIMLANMA TARİHİ** | __/__/2020 |
| **ÖZET** | Ziraat Bank Uzbekistan AŞ tarafından kullandırılacak bireysel kredilerin değerlendirilmesine, tahsisine, kullandırımına, tahsilatına, izlenmesine ilişkin esasları ve bireysel kredi ürünlerini düzenlemektedir. |
| **YÜRÜRLÜKTEN KALDIRILAN DÜZENLEMELER** | |
| **GEÇİCİ MADDE** | |
| **YÜRÜRLÜĞE GİRİŞ TARİHİ** | Yönetmeliğin onaylandığı tarih itibariyle yürürlüğe geçer |

Ziraat Bank Uzbekistan

# ЧАКАНА КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИ

| | |
|---|---|
| **ХУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚҚАН** | Кредитлаш бўлими |
| **ТАСДИҚЛАШ САНАСИ** | __/__/2020 |
| **ХУЖЖАТНИНГ МАЗМУНИ** | “Ziraat Bank Uzbekistan” АЖнинг Чакана кредитлаш Тартиби Банкнинг корпоратив хатарларини идрок этиш ва кредит сиёсати ва тамойилларига мувофиқ равишда чакана кредит амалиётлари билан боғлиқ кредитлаш жараёнларини тартибга солади. |
| **ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ХУЖЖАТЛАР** | Банк бошқарувининг 14.02.2018 йилдаги 6-сонли қарори билан тасдиқланган “Жисмоний шахсларга кредит бериш тартиби” |
| **АМАЛДА БЎЛГАН МОДДАЛАР** | |
| **ХУЖЖАТ КУЧГА КИРИТИЛГАН САНА** | Хужжат тасдиқланган кундан кучга киради |

| | |
|---|---|
| **AMAÇ VE KAPSAM**<br>"Bireysel Krediler Uygulama Esas ve Usulleri", Banka'nın kurumsal hale getirilmiş risk algısı ile kredi politika ve prensipleri doğrultusunda, bireysel kredi işlemlerinin kredilendirme süreçlerine ilişkin uygulamalarını düzenlemektedir.<br>İşbu Uygulama Esas ve Usullerinde yer almayan hususlarda, ülke düzenlemeleri, diğer yönerge, duyuru, talimatlar vb. geçerlidir.<br>**TANIMLAR**<br>Bu düzenlemede yer alan;<br>Banka: Ziraat Bank Uzbekistan A.Ş.'yi,<br>Şube: Ziraat Bank Uzbekistan A.Ş.'nin Şubelerini,<br>Anderrayter: Kredi başvurularının hızlı ve kaliteli değerlendirme, kendi yetkisine göre karar almaya yetkili pozisyon,<br>Bireysel Kredi: Gerçek kişilere özel veya ticari amaçlar dışında;<br>• Herhangi bir taşınır/taşınmaz ve/veya hizmet alımının finansmanına veya nakit ihtiyacının giderilmesine yönelik olarak, belirlenen faiz oranı ve vade üzerinden geri ödeme planında belirtildiği (taksitli) şekilde,<br>• Kısa süreli nakit ihtiyaçlarının karşılanması amacıyla Mikrokredi/Mikroborç ve Kredili Mevduat Hesabı (overdraft) şeklinde,kullandırılan/tahsis edilen kredilerini ifade eder.<br><br>**UYGULAMA ESAS VE USULLERİNE İLİŞKİN HUSUSLAR**<br>**1. ŞUBELERİN SORUMLULUKLARI**<br>1.1 Şubelerimizin sorumlulukları aşağıda belirtilmiştir:<br>• Gerek pazarlama ve satış faaliyetleri sonucu ulaşılan, gerekse şubeye | **МАҚСАДИ ВА МАЗМУНИ**<br>"Чакана кредитлаш Тартиби" Банкнинг корпоратив хатарларини идрок этиш, кредит сиёсати ва тамойилларига мувофиқ равишда чакана кредит амалиётлари билан боғлиқ кредитлаш жараёнларини тартибга солади.<br>Бу Тартибда белгиланмаган хусусларда, амалдаги қонунчилик хужжатларига риоя қилинади.<br>**ИБОРАЛАР**<br>Мазкур Тартибда қуйидаги иборалар қўлланилади:<br>**Банк**: "Ziraat Bank Uzbekistan" АЖ,<br>**Офис**: "Ziraat Bank Uzbekistan" АЖ нинг филиали, офиси, шўбаси,<br>**Андеррайтер**: Кредит аризаларини тезкор ва сифатли ўрганиш, ваколати доирасида қарор қабул қилишга ваколатли ходим,<br>**Чакана Кредит**: Жисмоний шахсларга касбий ёки тижорат мақсадларидан ташқари,<br>• Турли кўчар/кўчмас ва/ёки хизмат сотиб олишини молиялаштириш ёки пул маблағларига эҳтиёжини қондириш мақсадида, белгиланган фоиз ставкаси ва муддатда қайтариш режасида белгиланган (бўлиб тўлаш) шаклида,<br>• Қисқа муддатли пул маблағлари эҳтиёжларини қондириш мақсадида Микроқарз ва Овердрафт шаклида ажратиладиган кредитларни ифода этади.<br>**АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**<br>**1 ОФИСЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**<br>1.1 Офисларнинг вазифалари қуйидагича белгиланади:<br>• Маркетинг ва сотиш фаолиятлари натижаларига эришиш, офисларга мурожаат қилган мижозларни чакана кредит талабларини қабул |

| | |
|---|---|
| başvuran müşterilerin bireysel kredi taleplerinin alınması,<br>• Gerekli bilgi ve belgelerin müşteriden/müşterek borçlulardan/kefillerden alınması, doğruluğunun kontrol edilmesi, işbu Uygulamada belirtildiği şekilde gerekli istihbaratın yapılması ve kredi ile ilgili gerekli belgelerin taranarak başvuruya eklenmesi,<br>• Şube tarafından uygun görülen taleplerin teklife dönüştürülmesi,<br>• İlgili Genel Müdürlük kredi onay mercii tarafından onaylanan kredilerde kredi tahsisi/kullandırımı ile ilgili gerekli işlemlerin/kontrollerin yapılması,<br>• Şubelerimiz müşteri tarafından verilen bilgi/belgelerin geçerliliği ve doğruluğunun kontrolünden sorumlu olup, uygun gördükleri kredileri değerlendirilmek üzere teklif edilmesi,<br>• Kendi yetkisinde kredi riski bulunan müşteriler için yılda bir kez kredi değerliliği gözden geçirilmelidir.<br><br>**2. BİREYSEL KREDİ KULLANDIRILABİLECEK VE/VEYA MÜŞTEREK BORÇLULUĞU/KEFALETİ KABUL EDİLEBİLECEK GERÇEK KİŞİLER**<br>Şubelerimizce aşağıda belirtilen gerçek kişilerin bireysel kredi başvuruları alınabilecektir. Ayrıca, müşterek borçlu/kefil için de aşağıdaki hususlara riayet edilecektir.<br>2.1 Düzenli Maaş/Ücret Alan Gerçek Kişiler<br>- Kamu kurumu çalışanları,<br>- Özel sektör çalışanları.<br>2.2 Son 6 aydır faaliyette bulunan Bireysel girişimciler.<br>2.3 Gayrimenkul Kira Geliri Elde Eden Müşteriler Ile Mevduat Müşterileri | қилиш,<br>• Маълумот ва хужжатларни мижоздан/қарздорлардан/кафилллардан қабул қилиш, тўғрилигини текшириш, мазкур тартибда белгиланган шаклда керакли мижозларни ўрганиш ва кредит билан боғлиқ хужжатларни сканерлаш орқали кредит буюртмасига илова қилиш,<br>• Офис томонидан маъқулланган кредит талабларини кредит таклифига ўтказиш,<br>• Бош банкнинг тегишли ваколатли органи томонидан маъқулланган кредитларни ажратилиши билан боғлиқ керакли амалиётларни ва назоратларни бажариш,<br>• Мижоз томонидан тақдим этилган маълумот ва хужжатларни ҳақиқийлиги ҳамда тўғрилигини текширишга масъул бўлиб, маъқулланган кредитларни кўриб чиқиш учун таклифлар тайёрлаш,<br>• Ўз ваколати доирасида кредит ажратилган мижозларни йилда бир маротаба кредит лаёқатини ўрганиш.<br>**2 ЧАКАНА КРЕДИТ АЖРАТИЛИШИ ВА/ЁКИ ҚАРЗДОР/ КАФИЛ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР**<br>Офис томонидан қуйида белгиланган жисмоний шахсларнинг чакана кредит буютмалари қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, биргаликда қарздор, кафиллар учун ҳам қуйидаги қоидаларга риоя қилинади:<br>2.1 Доимий равишда маош ва ҳақ оладиган жисмоний шахслар:<br>- Давлат ташкилотлари ходимлари,<br>- Хусусий секторда меҳнат қилаётганлар.<br>2.2 Сўнгги 6 ой давомида фаолият кўрсатган якка тартибдаги тадбиркорлар.<br>2.3 Ижарадан даромад олаётган ва омонатчи бўлган Банк мижозлари. |

| | |
|---|---|
| - Faiz geliri elde eden müşterilerin mevduat/yatırım tutarı kadar paraların kesintisiz olarak en az 6 aydır Bankamızda olması gerekmektedir. | - Фоиз даромади олаётган мижозларнинг омонати миқдори ўзгармасдан узлуксиз охирги 6 ой давомида Банкда сақланган бўлиши лозим. |
| 2.4 Özbekistan'da Ikamet Eden Yabancı Uyruklu kişilere, Özbekistanda kesintisiz gelirinin bulunması ve Özbekistan vatandaşı olan bir kefil alınması kaydıyla kredi kullandırılabilecektir. | 2.4 Ўзбекистонда истиқомат қилувчи чел эллик шахсларга Ўзбекистонда доимий даромад манбаи мавжудлиги ва Ўзбекистон фуқароси бўлган бир кафил олиниши шарти билан кредит ажратилиши мумкин. |
| 2.5 Nakit veya nakit benzeri değerlerin rehni karşılığında kullandırılacak kredilerde yukarıda belirtilen koşullar aranmaz. | 2.5 Пул маблағлари гарови билан ажратиладиган кредитларда юқорида белгиланган шартлар амал қилмайди. |
| 2.6 Bankamızca kullandırılacak bireysel krediler için sadece 2.1, 2.2 ve 2.3'deki kişilerin müşterek borçluluğu/kefaleti kabul edilebilecektir. | 2.6 Банк томонидан ажратиладиган чакана кредит бўйича 2.1, 2.2, ва 2.3-бандларда кўрсатилган шахсларнинг биргаликда қарз олувчи ёки кафил сифатида қабул қилиши мумкин. |
| **3. BİREYSEL KREDİ KULLANDIRILMAYACAK VE/VEYA MÜŞTEREK BORÇLULUĞU/KEFALETİ KABUL EDİLMEYECEK GERÇEK KİŞİLER VE İSTİSNALARI** | **3 ЧАКАНА КРЕДИТ АЖРАТИЛМАЙДИГАН ВА/ЁКИ ҚАРЗДОР/КАФИЛ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИГАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ВА ИСТИСНОЛАР** |
| 3.1 Özbekistan'da ikamet etmeyen Özbekistan vatandaşları, | 3.1 Ўзбекистонда истиқомат қилмайдиган Ўзбекистон фуқаролари, |
| 3.2 Kendisine ve/veya müşterek borçluya ait Bankamız ve/veya diğer bankalarda takip hesaplarında kayıtlı asaleten borcu bulunanlar, | 3.2 Банкда ва/ёки бошқа банкларда ўзининг ва/ёки биргаликда қарз олувчининг муддати ўтган қарздорлиги мавжуд шахслар, |
| 3.3 18 yaşından küçükler ve/veya medeni haklarını kullanma ehliyetini haiz olmayanlar, (Bu kişilere veli, vasi aracılığıyla da kredi kullandırılmayacaktır) | 3.3 18 ёшга тўлмаган шахслар ва/ёки қонунчиликка мувофиқ балоғат ёшига етмаганлар, (Бу шахсларга боқувчи, васий орқали ҳам кредит ажратилмайди), |
| 3.4 Blokeli hesapları olanlar / memzuç kayıtlarına göre olumsuz durumu tespit edilenler | 3.4 Ҳисобрақамларига тақиқ қўйилган ёки кредит тарихи салбий бўлган шахслар, |
| 3.5 Bankamızda veya diğer bankalarda açık takip kaydı bulunan firmaların ortakları/sahipleri ile bu durumda olan firmalarda çalışanlar, | 3.5 Банкда ва/ёки бошқа банкларда очилган даволари мавжуд корхоналарнинг таъсисчилари, иштирокчилари ҳамда мазкур корхоналарнинг ходимлари, |
| 3.6 Yakın izlemede olanlar, (Bu kişilere yeni/ilave kredi kullandırılmamakla birlikte, mevcut kredileri yapılandırılabilecektir.) | 3.6 Муаммоли кредитлари мавжуд шахслар, (Бу шахсларга янги кредит ажратилмайди, мавжуд кредитлари муддатидан олдин ундирилади.) |
| 3.7 Bankamız ve/veya diğer bankalarda kendisine ait takipten kapanan en son kredisinin kapanış tarihi üzerinden 6 aydan kısa süre geçenler, | 3.7 Банкда ва/ёки бошқа банкларда муаммоли кредит сифатида ёпилган |

| | |
|---|---|
| | охирги кредит ёпилиш санасига 6 ойдан кам вақт ўтган шахслар, |
| 3.8 Aylık net geliri ülkede uygulanan asgari maaşın altında olanlar, | 3.8 Ойлик соф даромади энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлганлар, |
| 3.9 Talep edilen kredinin vadesi (yıl olarak) ile yaşının toplamı 60'in üzerinde olanlar, | 3.9 Талаб этилган кредит муддати (йиллик) бўйича ёши 60 дан ортиқ бўладиган шахслар, |
| 3.10 Kredili Mevduat Hesabı başvurularında yaşı 60'in üzerinde olanlar, | 3.10 Микроқарз (овердрафт) олиш бўйича мурожаат этилганда ёши 60 дан ортиқ бўладиган шахслар, |
| 3.11 Taşıt kredisi kullandırımında, fiilen taşıt alım satımı ve taşıt kiralaması işleri ile uğraşanlar, | 3.11 Автокредит ажратилишида, ҳақиқатда автомашина олиб сотиш ва автомашина ижараси билан шуғулланаётган шахслар, |
| 3.12 Vekâletnameye dayanarak kredi başvurusunda bulunanlar. | 3.12 Ишончномага асосан кредит ажратиш учун мурожаат қилган шахслар, |
| 3.13 Gayrimenkul alımına yönelik ürünlerin kullandırımında, gayrimenkul alım satımı ve yap-sat işi ile uğraşanlar ve bunlarla aynı risk grubunda olanlar | 3.13 Кўчмас мулк сотиб олиш бўйича кредит ажратилишида, кўчмас мулк олиб сотиш ва қуриб сотиш иши билаш шуғулланаётганлар ҳамда бундай шахслар билан бир хатар гуруҳида бўлганлар, |
| - Bu kişilerin söz konusu gayrimenkulü şahsi ihtiyaçları için alacaklarını beyan etmeleri ve Şube de uygun görmesi kaydıyla, bu ürünler kullandırılabilecektir. | - Бу шахсларнинг мазкур кўчмас мулкни шахсий эҳтиёжи учун сотиб олишини баён этиши ҳамда Офис томонидан ҳам маъқулланган ҳолда, бу кредит ажратилиши мумкин. |
| **4. KREDİ BAŞVURUSU İLE İLGİLİ BİLGİ VE BELGELER** | **4 КРЕДИТ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР ВА ХУЖЖАТЛАР** |
| 4.1 Bireysel Kredi Başvuru Formu **(Ek: 1)**, | 4.1 Чакана кредити олиш учун ариза (кредит буюртманомаси) шакли **1-иловада**, |
| 4.2 Nüfus cüzdanı veya pasaport (Bu belgelerin aslı müşteriden alınacak ve şube personeli tarafından alınacak fotokopi müşteri dosyasına konulacaktır.), | 4.2 Паспорт ёки шахсини тасдиқловчи хужжат (Бу хужжатларининг асли мижоздан олинади ва офис ходими томонидан олинган нусхаси мижознинг йиғмажилдига тикилади.) |
| 4.3 Daimi işverenin müşterinin son 12 (on iki) aylık gelirine ilişkin referansı, son iş yerinde 12 ay çalışılmamışsa, çalışma tarihinden başvuru tarihine kadar (en az 6 ay) geçen süre için gelir belgesi, | 4.3 Мижознинг охирги 12 (ўн икки) ой давомидаги даромадлари тўғрисида доимий иш жойидан олинган маълумотнома, охирги иш жойида ишлаётганига 12 ой тўлмаган бўлса, ишга кирган вақтидан то ариза билан мурожаат қилиш вақтигача (камида 6 ой) оралиқ давридаги даромадлари тўғрисида маълумотнома; |

4.4 Ürünün özelliği gereği Tapu Belgesi fotokopisi,

4.5 Borçlunun başvuru formunda belirtmiş olduğu geliri ile ilgili aşağıda belirtilen tevsik edici belgeler:

a) Ücretli Çalışanlarda, son 12 aya ait, işyerince onaylı maaş bordrosu yazılmış kaşeli ve imzalı gelir yazısı alınacaktır. Gelir belgesinin ve şirketin mührünün doğruluğu şubelerimizce araştırılacaktır.

b) Bireysel girişimcilerde, tamamlanan son 6 aya ait Vergi Levhası fotokopisi.

c) Firma sahiplerinde/ortaklarında Kurumsal Krediler UEU'da belirtilen belgeler temin edilecektir.

d) Diğer Müşterilerde

- Düzenli gelir elde eden gerçek kişilerden aylık olarak elde ettiği geliri tevsik eden her türlü belge (Örn: kira geliri elde ediliyor ise taşınmaza ait tapu ve kira kontratı fotokopileri gibi.),
- Kullandırılacak bireysel kredi ürününe özgü diğer ilave belgeler,
- İlgili Genel Müdürlük kredi onay mercii tarafından istenebilecek her türlü bilgi/belge alınacak ve müşteri dosyasında muhafaza edilecektir.

4.6 Nakit veya nakit benzeri değerlerin rehni karşılığında kullandırılacak kredilerde gelir tevsikine yönelik bilgilerin alınmasına gerek bulunmamaktadır.

## 5. BAŞVURU GİRİŞİ, İNCELEME, İSTİHBARAT VE SORGU

5.1 MİY/MİA tarafından, müşteriden/müşterek borçlulardan/kefillerden gerekli belgeler/formlar alınacak, belgelerin/formların doğruluğu asıllarından şube yetkilileri tarafından kontrol edilecektir. Hiçbir surette müşteri tarafından getirilen kimlik fotokopileri kabul edilmeyecektir.

4.4 Кўчмас мулк тўғрисида кадастр хужжатининг нусхаси,

4.5 Мижознинг буюртмасида кўрсатилган даромадлари бўйича хужжатлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

**a)** Иш ҳақи оладиганларда, иш берувчи томонидан тасдиқланган охирги 12 ойлик иш ҳақи жадвали мухр ва имзо қўйилган маълумотнома олинади. Маълумотноманинг ҳақиқийлиги Офис томонидан ўрганилади.

**b)** Якка тартибдаги тадбиркорларда, тўлиқ охирги 6 ойлик солиқ тўлови маълумотномасининг нусхаси.

**c)** Корхона таъсисчиларида корпоратив кредитлар тартибида белгиланган хужжатларни тақдим этади.

**d)** Бошқа мижозларда,

- Доимий даромад олувчи жисмоний шахслардан ойлик даромадини тасдиқловчи хужжат (Ижара даромади бўлса, кадастри ва ижара шартномаси каби).
- Ажратиладиган чакана кредит маҳсулотига хос бошқа қўшимча хужжатлар,
- Бош банкнинг тегишли ваколатли кредитлаш органи томонидан сўралган бошқа турдаги маълумот/хужжат олинади ҳамда кредит йиғмажилдига сақланиб борилади.

4.6 Пул маблағлари билан таъминланган кредитларда даромадни тасдиқловчи хужжатларни олиниши мажбурий эмасдир.

## 5 БУЮРТМАЛАРНИ КИРИТИШ, ТЕКШИРИШ ВА ЎРГАНИШ

5.1 Масъул ижрочи томонидан мижоздан, биргаликда қарз олувчидан ва кафиллардан керакли маълумот/хужжатлар олинади, хужжатларнинг тўғрилиги аслидан офис ходимлари томонидан текширилади. Хеч қандай холатда мижоз томонидан тақдим этилган паспорт нусхаси қабул қилинмайди.

| | |
|---|---|
| 5.2 Beyan edilen tüm gelirler, mutlaka belge ile tevsik ve/veya ilgili yerlerden teyit edilecektir. | 5.2 Тақдим этилган барча даромадлар, мутлақо хужжат билан тасдиқланган ёки тегишли жойлардан тасдиғи олиниши лозим. |
| 5.3 Gerçeği yansıtmayan, hayatın olağan akışına uygun olmayan abartılı gelir belgelerine itibar edilmeyecektir. | 5.3 Ҳақиқий бўлмаган, ҳақиқатга мос келмаган даромад хужжатлари инобатга олинмайди. |
| 5.4 Kredi kullandırılacak kişinin/müşterek borçluların/kefillerin kendileri tarafından onaylanmış (örneğin firma ortağı tarafından yapılan başvurularda, gelir belgesinin aynı kişi tarafından onaylanması gibi) gelir belgeleri üzerinden işlem yapılmayacak, söz konusu belgelerin ilgili kurumun/firmanın başka yetkililerince onaylanmış olmasına dikkat edilecektir. | 5.4 Кредит ажратиладиган шахснинг, биргаликда қарз олувчининг ва кафилларнинг ўзлари томонидан тасдиқланган (масалан, корхона таъсисчиси томонидан мурожаатида, даромад хужжатининг мазкур шахс томонидан тасдиқланиши каби) даромад хужжатлари орқали амалиётлар бажарилмайди, ушбу хужжатларнинг тегишли ташкилот ёки корхонанинг бошқа ваколатли шахси тасдиқлаган бўлиши лозим. |
| 5.5 Firma sahip/ortaklarının firmalarının Sicil Numarasının doğruluğu teyit edilecektir. Bu kişilerin beyan edilen gelirlerinin, firma mali verileri ile uyumlu olması hususuna dikkat edilecektir. | 5.5 Корхонанинг таъсисчилари корхонанинг давлат реестридаги маълумотларидан текширилади. Бу шахсларнинг баён қилган даромадларини, корхона молиявий ҳисоботлари билан мос келишига алоҳида эътибор қаратилади. |
| 5.6 Müşterinin yaşı, medeni durumu, meslek bilgisi gibi hususlar şubece değerlendirmede göz önüne alınacak, bilgilerin birbirini teyit eder nitelikte olmasına dikkat edilecektir. Meslek bilgisi ile uyumsuz gelir durumu, mal varlığı ile uyumsuz adres bilgisi, iş yeri adresi ve ikamet adresinin aynı yer olması gibi hususlarda daha detaylı inceleme yapılacaktır. | 5.6 Мижознинг ёши, оилавийлиги, касбий маълумотлари каби хусуслар офис томонидан ўрганиш давомида эътиборга олинади, маълумотларни бир-бирини тасдиқланганлигига алоҳида эътибор қаратилади. Касбий маълумот билан салбий даромад холати, мулки билан мос келмайдиган яшаш манзили маълумоти, иш жойи манзили ва яшаш манзилининг бир эканлиги каби хусуслар янада батафсил текширилади. |
| 5.7 Kira gelirine istinaden yapılan kredi talepleriyle ilgili olarak;<br>- Başvuru sahibinin ikamet ettiği konutun adresi ile kiraya verdiği (kira gelirini elde ettiği) konutun adresi karşılaştırılacak,<br>- Kira kontratlarda belirtilen kira gelirlerinin gerçekliği, vergi bilgileriyle teyit edilecektir. | 5.7 Ижара даромади бўйича мурожаат этилган кредит талаблари бўйича,<br>- Мурожаат қилганнинг яшаш манзили билан ижарага берган (ижара даромади оладиган) манзил солиштирилади,<br>- Ижара шартномалари бўйича ижара даромадларининг ҳақиқийлиги солиқ маълумотлари билан тасдиқланади. |
| 5.8 Başvuru Formu imzalanarak toplanan belgeler kredı dosyasında muhafaza edilecektir. | 5.8 Буюртма шакли имзоланиб тўпланган маълумотлар бўйича хужжатлар кредит йиғма жилдига тикилади. |
| **6. KREDİ AÇMA YETKİLERİ** | **6 КРЕДИТ АЖРАТИШ ВАКОЛАТЛАРИ** |
| 6.1 Bankada bireysel kredilerin değerlendirilmesi ve onaylanması bir kademeli düzende yetkili organ yada anderrayter tarafından gerçekleştirilir. | 6.1 Банкда чакана кредитларни кўриб чиқилиши ва маъқулланиши бир бўғинда ваколатли орган ёки андеррайтер томонидан амалга оширилади. |

| | |
|---|---|
| 6.2 Anderrayter Genel Müdürlük Kredi Komitesi'nin kararı ile atanır.<br><br>**7. AÇILACAK KREDİ TUTARININ TESPİTİ**<br><br>7.1 Bir kişiye kullandırılabilecek azami kredi tutarı/limiti; müşterinin diğer banka/Bankamız riskleri ile varsa kapanacak kredi riskleri dikkate alınmak suretiyle, toplam aylık taksit tutarları en fazla ortalama aylık net gelirinin %70’ne kadar olacak şekilde belirlenebilecektir.<br><br>7.2 Nakit veya Nakit Benzeri Değerler rehni karşılığında kullandırılacak kredilerde gelir hesaplaması yapılmayacaktır.<br><br>**8. TEMİNAT**<br><br>8.1 Kredilendirmede asli unsur, kredi kullandırılacak gerçek kişilerin kredi değerliliğine sahip olmasıdır. Kredilendirme esnasında alınacak teminatın değerliliği daha sonra gelecek, diğer bir ifadeyle sadece teminatın türüne, gücüne ve değerliliğine göre kredi açılmayacaktır.<br><br>8.2 Bankamız uygulamasında bireysel krediler aşağıda belirtilen teminatlar karşılığında kullandırılabilecektir. Kredinin değerlendirilmesi sonucunda gerek görülmesi halinde bir kredi için farklı teminat türleri birlikte teminata alınabilir. Genel Müdürlük tarafından değerlendirilen başvurularda ilave teminat alınması istenebilir.<br><br>**a. Şahsi Teminatlar**<br><br>• **Müşterek Borçlu**<br><br>İlave gelir kaynağı olarak Müşterek Borçlunun gelirinin de dikkate alınmış olması halinde, kredi tutarına bakılmaksızın Müşterek Borçlu imzası alınacaktır. | 6.2 Андеррайтерлар Бош банк Кредит қўмитаси қарори билан тайинланади.<br><br>**7 АЖРАТИЛАДИГАН КРЕДИТ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ**<br><br>7.1 Бир шахсга ажратилиши мумкин бўлган кредитнинг энг юқори миқдори/лимити; мижознинг бошқа банк ҳамда Банкимиздаги кредитлари бўйича сўндириладиган ойлик кредит тўлови миқдори энг кўпи билан ойлик ўртача соф даромадларининг 70% гача қадар бўлган шаклда белгиланади.<br><br>7.2 Пул маблағлари билан таъминланган кредитларда даромад ҳисобланиши амалга оширилмайди.<br><br>**8 ТАЪМИНОТ**<br><br>8.1 Кредитлашда асосий тамойил кредит ажратиладиган жисмоний шахсларнинг кредит лаёқатига эга бўлишидир. Кредитлаш жараёнида олинадиган таъминотнинг қийматлилиги иккинчи даражали ҳисобланиб, таъминотнинг турига, кучига ва қийматига кўра кредит ажратилмайди.<br><br>8.2 Банкнинг ички қоидаларида чакана кредитлар қуйида белгиланган таъминотлар асосида ажратилиши мумкин. Кредитни кўриб чиқилиши натижасида лозим бўлган холларда бир кредит учун бошқа турдаги қўшимча таъминот олиниши мумкин. Бош банк томонидан кўриб чиқиладиган мурожаатларда қўшимча таъминот олиниши талаб этилиши мумкин.<br><br>**a. Шахсий таъминотлар**<br><br>• **Биргаликда қарздор,**<br><br>Қўшимча даромад манбаи сифатида биргаликда қарздорнинг даромади инобатга олинган ҳолда, кредит миқдоридан қатъий назар биргаликда қарздорнинг имзоси олинади. |

| | |
|---|---|
| • **Kefalet**<br><br>Kefil alınacak kişilerin kefalet değerliliği skoring yapılarak belirlenecektir.<br><br>**b. Maddi Teminatlar**<br><br>• **Mevduat Rehni**<br><br>Bireysel kredi işlemlerinde müşteriye veya üçüncü şahsa ait mevduat hesapları rehin olarak alınabilecektir.<br><br>Mevduat üzerine **(Ek: 2)**’te belirtilen oranlar/tutarlar dahilinde rehin tesis edilecek ve kredi ilişkisi süresince rehin tutarı hiçbir şekilde taksitli kredilerde kalan kredi borcu altına düşmeyecektir.<br><br>3. kişilere ait hesapların teminat olarak alınması halinde, kredi sözleşmesine hesap sahibinin de garantör sıfatıyla imzası alınacaktır.<br><br>Mevduat rehni karşılığında kullandırılacak kredilerde başkaca bir teminat alınmasına gerek bulunmamaktadır.<br><br>• **Gayrimenkul İpoteği**<br><br>Krediye ve/veya teminata konu taşınmazlar; tapusu bulunan konut, işyeri, ofis, dükkan vb. niteliğindeki yerler olabilecektir.<br><br>Ekspertiz raporuna göre gayrimenkulün satış kabiliyeti bulunmalıdır.<br><br>İpotek alınacak gayrimenkul üzerinde hiçbir takyidat olmamalıdır.<br><br>İpotek Noterde Banka personeli ile onaylanarak tescil edilecektir. | • **Кафиллик**,<br><br>Кафил сифатида қабул қилинадиган шахсларнинг тўлов қобилияти скоринг қилиш орқали белгиланади.<br><br>**b. Моддий таъминотлар**<br><br>• **Депозит гарови,**<br><br>Чакана кредит амалиётларида мижозга ва учинчи шахсга оид пул маблағлари депозит гарови сифатида олиниши мумкин.<br><br>Депозит эвазига **2-иловада** белгиланган нисбатлар ва миқдорларга кўра гаров олиниши ва кредит муносабатлари даврида гаров миқдори хеч қандай шаклда кредит қолдиғидан кам бўлишига йўл қўйилмайди.<br><br>3-шахсларга оид депозитларни таъминот сифатида олинишида, кредит шартномасида депозит эгасининг ҳам кафил сифатида имзоси олинади.<br><br>Депозит гарови эвазига ажратилган кредитларда бошқа турдаги таъминот олиниши мажбурий эмасдир.<br><br>• **Кўчмас мулк гарови,**<br><br>Кредит ва/ёки таъминот билан боғлиқ кўчмас мулклар сифатида кадастри мавжуд хонадон, иш жойи, офис, дўкон ва бошқалар олиниши мумкин.<br><br>Баҳолаш ҳисоботига кўра кўчмас мулкнинг сотилиш қобилияти белгиланиши лозим.<br><br>Гаровга олинадиган кўчмас мулк бўйича хеч қандай тақиқ бўлмаслиги лозим.<br><br>Кўчмас мулк гарови нотариал идорада банк ходими иштирокида расмийлаштирилади. |

- **Taşıt Rehni**

Rehin sözleşmesi Noterde Banka personeli ile onaylanarak tescil edilecektir.

3. kişilere ait taşıtların teminat olarak alınması halinde, kredi sözleşmesine taşıt malikinin de imzası alınacaktır.

Önerilen teminat üzerinde 3.kişiler lehine önceden tesis edilmiş başkaca rehin hakkının olup olmadığını bilgileri **www.garov.uz** adresinden teyit edilecektir.

8.3 **Ekspertiz ve İpotek Tesis İşlemleri**

Ekspertiz rapor tarihi, kredinin kullandırıldığı tarihten itibaren en fazla 1 yıl öncesine ait olacaktır.

Kredi/teminat konusu mülk, ilgili şube yetkililerince yerinde görülerek değerlendirilecek.

İpotek/rehin karşılığında kullandırılacak kredilerde **(Ek: 2)**’te belirtilen marjla gayrimenkul ipoteği sağlanacaktır.

Üçüncü kişilere ait mülklerin teminat olarak alınması halinde, kredi sözleşmesine mülk malikinin de imzası alınacaktır.

## 9. KREDİ FİYATLAMA

9.1 Fiyatlama ilkeleri Bankamız içda belirlenir ve duyurulur.

## 10. SÖZLEŞMENİN DÜZENLENMESİ

10.1 Tüketici Kredisi kullandırımlarında Sözleşme **(Ek: 3)**, Konut Kredisi kullandırımlarında Sözleşme **(Ek: 4)**, Taşıt Kredisi kullandırımlarında Sözleşme **(Ek: 5)**, KMH kullandırımlarında Overdraft Sözleşmesi **(Ek: 6),** Mikrokredi kullandırımlarında Sözleşme **(Ek: 7)** kullanılacak

- **Автотранспорт гарови**

Автотранспорт гарови нотариал идорада банк ходими иштирокида расмийлаштирилади.

3-шахсларга оид автотранспорт таъминот сифатида олинишида, кредит шартномасига автотранспорт эгасини ҳам имзоси олинади.

Тақдим қилинган таъминотга нисбатан хуқуқ бошқалар томонидан гаров реестрига киритилмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар **www.garov.uz** интернет манзилидан текширилади.

8.3 **Баҳолаш ва гаровга олиш амалиётлари,**

Баҳолаш ҳисоботи санаси, кредитни ажратилиши санасидан бошлаб энг кўпи билан 1 йилгача бўлиши мумкин.

Таъминотга берилган мол-мулк тегишли масъул ходим томонидан жойига чиқиб ўрганилади.

Мол-мулк гарови билан ажратиладиган кредитларда **2-иловада** белгиланган маржада гаровга олинади.

Учинчи шахсларга тегишли мол-мулкни таъминот сифатида олинишида, кредит шартномасига кўчмас мулк эгасининг ҳам имзоси олинади.

## 9 КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗ СТАВКАЛАРИ

9.1 Кредитлар бўйича фоиз ставкалари Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади ва жорий этилади.

## 10 ШАРТНОМА ТУЗИШ

10.1 Кредит ажратилишида, Истеъмол кредити учун **3-иловага**, Ипотека кредити учун **4-иловага**, Автокредити учун **5-иловага**, Овердрафт кредити учун **6-иловага**, Микроқарз учун **7-иловага** мувофиқ кредит шартномаларидан фойдаланилади.

| | |
|---|---|
| 10.2 Sözleşmelerin her sayfası ilgililer tarafından imzalanacaktır. | 10.2 Шартномаларнинг хар бир саҳифаси тегишли тарафлар томонидан имзоланади. |
| 10.3 Tüm sözleşmeler iki nüsha olarak düzenlenecek, sözleşme ve varsa Geri Ödeme Planının bir nüshası müşteriye imza karşılığında verilecek, müşteri imzası olan nüshalar müşteri dosyasında saklanacak, diğer nüshalar müşteriye verilecektir. | 10.3 Барча шартномалар икки нусҳада тузилади, шартнома ва Тўлов графигининг бир нусҳасига мижоз олганлиги тўғрисида имзо қўйдириб, иккинчи нусҳаси тақдим этилади. Мижоз имзоси бўлган нусҳалар мижоз йиғмажилдида сақланади. |
| **11. SİGORTA İŞLEMLERİ** | **11 СУҒУРТА АМАЛИЁТЛАРИ** |
| 11.1 Konut kredilerinin teminatına alınan gayrimenkuller için ipotek değeri üzerinden sigorta yaptırılacaktır. | 11.1 Ипотека кредитларнинг таъминотга олинган кўчмас мулклар учун гаров қиймати бўйича суғурта қилинади. |
| 11.2 Taşıt kredilerinde, kredinin teminatına alınan taşıt için sigorta yaptırılacaktır. | 11.2 Автокредитларда, кредитнинг таъминотига олинган автотранспорт суғурта қилинади. |
| **12. MÜŞTERİ DOSYASI** | **12 МИЖОЗ ЙИҒМАЖИЛДИ** |
| 12.1 Kullandırılan Bireysel Kredilere ilişkin her türlü dokümantasyonun Şube nezdindeki müşteri dosyasında muhafaza edilmesi gerekmekte olup, kredinin sağlıklı takibi açısından dosyaların oluşturulmasında Şubelerimizce gereken özenin gösterilmesi önemlidir. | 12.1 Ажратилган чакана кредитлар билан боғлиқ барча турдаги хужжатлар филиал/офис/шўба ихтиёридаги мижоз йиғмажилдида сақланиб, кредитнинг соғлом назорати нуқтаи назаридан йиғмажилдларнинг шакллантирилиши бўйича филиал/офис/шўба зарурий чораларни кўриб бориши лозим. |
| 12.2 Müşteri dosyasında her bir bireysel krediye ilişkin olarak;<br>- “Kredi Başvurusu ile İlgili Bilgi ve Belgeler” ve “Müşterek Borçlulurdan/Kefillerden Alınacak Belgeler” maddesinde belirtilen belgeler,<br>- Kredi kullandırım dekontu,<br>- Varsa sigorta poliçesi fotokopisi,<br>- İlgili kredi türüne özgü alınması gereken belgeler (Konut kredisi işlemlerinde ekspertiz raporu, ipotek belgesi, resmi senet vb.),<br>- Sözleşme,<br>muhakkak surette bulunacak, müşteri imzaları tamamlanarak muhafaza edilecektir. | 12.2 Мижоз йиғмажилдида хар бир чакана кредит бўйича,<br>- Мазкур тартибда белгиланган хужжатлар,<br>- Кредит ажратиш бўйича қарор,<br>- Суғурта полиси нусхаси,<br>- Кредит турига қараб бошқа хужжатлар (ипотека кредитида баҳолаш ҳисоботи, гаров хужжати ва бошқалар),<br>- Шартномалар,<br>мажбурий тартибда бўлиши ва мижоз имзолари олиниб сақланиши лозим. |

## 13 TASFİYE OLUNACAK ALACAKLAR

13.1 İhtarname Düzenlenmesi

Kredi ödemelerinde gecikmesi olan müşterilerle ilgili olarak Şubece alınacak aksiyonlar belirlenerek, ihtarname gönderim ve yasal takip süreci, Banka avukatının talimatları doğrultusunda yerine getirilecektir.

## 14 BİREYSEL KREDİ ÜRÜNLERİ

14.1 **Tüketici Kredisi**

Bireysel kredi kullandırılabilecek gerçek kişilere, ticari ve mesleki amaç dışındaki her türlü tüketici ihtiyaçlarını karşılamak için mal (iş, hizmet) alımı için kullandırılan taksitli kredidir.

Krediler sadece Özbekistan Cumhuriyetinin para biriminde 3 yıla kadar olan vadede kullandırılır. Kredinin iadesi müşterinin isteğine göre, anüite düzende (eşit ödemeler ile) veya standart düzende (ana borç eşit kısmlarda) gerçekleştirilebilir.

Müşteriden, kredinin ne için kullanılacağının tespitini teminen, alınan mal veya hizmete ilişkin fatura temin edilecektir.

Dilekçe ve tüm ilgili evraklar sunulduktan sonra 5 banka iş günü içerisinde ilgili kredinin gözden geçirilmesi ve sonuçlanması gerekmektedir.

14.2 **Konut Kredisi**

Bireysel kredi kullandırılabilecek gerçek kişilere,

- Konut inşaatı ve restore etmek,
- Konut veya daire satın almak amaçlarla verilir.

Konut kredisi,

- Bulunduğu arsa ile birlikte yapım aşamasındaki konut;

## 13 МУДДАТИ ЎТГАН ҚАРЗДОРЛИК

13.1 Огоҳлантириш хати

Кредит тўловларида кечиктиришлари мавжуд мижозлар бўйича офис томонидан амалга ошириладиган ишлар белгиланади, огоҳлантириш хати юбориш ва мажбурий ундириш чоралари Банкнинг юридик хизмати билан хамкорликда бажарилади.

## 14 ЧАКАНА КРЕДИТ ТУРЛАРИ

14.1 **Истеъмол кредити,**

Чакана кредит ажратиладиган жисмоний шахсларга, тижорат ва касбий мақсадлардан ташқари, истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредитдир.

Кредитлар фақат Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида, 3 (уч) йилгача бўлган муддатга ажратилади. Кредитни қайтариш, қарз олувчининг ҳоҳишига биноан, аннуитет тартибида (тенг тўловлар билан) ёки стандарт тартибда (асосий қарз тенг қисмларда) амалга оширилиши мумкин.

Мижоздан, кредитни мақсадли фойдаланганлигини аниқлаш учун сотиб олинган товар ва хизмат бўйича ҳисоб-фактура талаб этилади.

Ариза ва барча тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг, 5 (беш) банк иш куни мобайнида кредит ажратиш масаласи кўриб чиқилиши ҳамда тегишли қарор қабул қилиниши лозим.

14.2 **Ипотека кредити,**

Чакана кредит ажратилиши мумкин бўлган жисмоний шахсларга,

- якка тартибда уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш;
- якка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш мақсадлари учун берилади.

Ипотека кредити:

- қурилаётган уй-жойни у жойлашган ер участкаси билан бирга;

| | |
|---|---|
| - Konut kredisi yoluyla satın alınan ve öngörülen şekilde borçlunun mülküne geçecek bireysel konut veya daire;<br><br>- Borçlunun sahip olduğu ve konut kredisi ile restore edilecek bireysel konutun ipotek edilmesi yoluyla gerçekleşir.<br><br>Bir ipotek kredisi için başvuran,<br>- inşaat edilecek, satın alınacak konut veya daire maliyetinin;<br>- konut imar maliyetinin,<br>en az% 25'i kadar özkaynaklara sahip olması gerekmektedir.<br><br>14.3 **Taşıt Kredisi**<br>Bireysel Kredi kullandırılabilecek gerçek kişilere, Krediler sadece Özbekistan Cumhuriyetinde üretilen araçları satın almak için, onları üreten/satan kurumlara para geçirme yoluyla ulusal para biriminde kullandırılır.<br><br>Krediler 3 (Üç) yıla kadar olan vadede verilir ve anüite düzeninde ödenir. Müşterinin isteğine göre, ana borcu aylık eşit kısımlara bölerek iade düzeni belirlenebilir.<br><br>Dilekçe ve tüm ilgili evraklar sunulduktan sonra 5 banka iş günü içerisinde ilgili kredinin gözden geçirilmesi ve sonuçlanması gerekmektedir.<br><br>Banka teminat olarak satın alınmakta olan taşıt aracını kabul edebilir.<br><br>Banka teminat olarak, satın alınmakta olan taşıt aracının yerine likitliliği az olmayan başka taşıt aracını veya gayrimenkulü kabul edebilir. | - ипотека кредити ҳисобига сотиб олинадиган ва белгиланган тартибда қарз олувчи мулкига ўтадиган якка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартирали уйдаги квартирани;<br><br>- қарз олувчининг мулки бўлган ва ипотека кредити ҳисобига реконструкция қилинаётган якка тартибдаги уй-жойни гаровга қўйган ҳолда амалга оширилади.<br><br>Ариза берувчи ипотека кредити олиш учун:<br>- қуриладиган, сотиб олинадиган уй-жой ёки кўп квартирали уйдаги квартира қийматининг;<br>- уй-жойни реконструкция қилиш қийматининг камида 25 фоизи миқдоридаги ўз маблағига эга бўлиши керак.<br><br>14.3 **Автокредит,**<br>Чакана кредит ажратилиши мумкин бўлган жисмоний шахсларга, фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган транспорт воситаларини сотиб олиш учун, уларни ишлаб чиқарувчи/реализация қилувчи ташкилотларга пул ўтказиш йўли билан, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ажратилади<br><br>Кредитлар 3 (Уч) йилгача бўлган муддатга ажратилади ва аннуитет тартибида тўлаб борилади. Мижознинг ҳоҳишига биноан, асосий қарзни ҳар ойда тенг қисмларга бўлинган ҳолда ёки аннуитет тартибида қайтариш белгиланиши мумкин.<br><br>Ариза билан тегишли ҳужжатлар Банкка тўлиқ тақдим этилганидан сўнг, Ваколатли орган/шахс 5 (беш) банк иш кунидан ошмаган муддат ичида, ўз ваколатлари доирасида ушбу ариза бўйича асослантирилган ҳолда қарор қабул қилиши лозим.<br><br>Банк гаров таъминоти сифатида, сотиб олинаётган транспорт воситасини мижоз номига расмийлаштиргандан сўнг қабул қилиши мумкин.<br><br>Банк гаров таъминоти сифатида, сотиб олинаётган транспорт воситасининг ўрнига, ундан кам ликвидли бўлмаган бошқа транспорт воситасини ёки кўчмас мулкни гаров сифатида қабул қилиши мумкин. |

| | |
|---|---|
| Taşıt aracı satın alındıktan sonra teminat olarak verilmesi gereken durumlarda, kredinin geçici sürelik teminatı olarak başka mülk veya taşıt aracını getirme süresinden az olmayan vadede kredinin geri dönmeme riskini önleme sigorta poliçesi kabul edilebilir. | Транспорт воситаси сотиб олинганидан сўнг гаровга қўйилиши назарда тутилган ҳолларда, кредитнинг вақтинчалик таъминоти сифатида бошқа мол-мулк гарови ёки транспорт воситасини етказиб бериш муддатидан кам бўлмаган муддатга кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурта қилиш полиси қабул қилиниши мумкин. |
| Taşıt aracı teminatı değeri talep edilen tutara uygun değilse, Banka ek teminat (başka taşıt aracı veya gayrimenkul, gerçek kişi kefilliği, sigorta poliçesi) talep etme hakkına sahiptir. | Транспорт воситаси таъминоти қиймати талаб миқдорига етмаган тақдирда, Банк қўшимча таъминот (бошқа транспорт воситаси ёки кўчмас мулк гарови, жисмоний шахслар кафиллиги, кредит қайтмаслик хатарини суғурта қилиш полиси) талаб қилишга хақли. |
| 14.4 **Mikro Borç** | 14.4 **Микроқарз** |
| Mikro borç iade etme, ödeme, teminatlı ve vadeli şartlarda verilir. Mikro borçlar için amaç şartı olmayacaktır. | Микроқарз қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик ва муддатлилик шартлари асосида берилади. Микроқарзда мақсадлилик шарти қўлланилмайди. |
| Mikro borç ancak Özbekistan ulusal parası 2 yıla kadar olan vade ile kullandırılır. Krediyi iade etmek, müşterinin isteğine göre anüite düzeninde  (eşit miktarlarda) veya standart düzende (ana borç eşit kısımlarda) gerçekleştirilebilir. | Микроқарз фақат Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида, 2 (икки) йилгача бўлган муддатга ажратилади. Кредитни қайтариш, мижознинг ҳоҳишига биноан, аннуитет тартибида (тенг тўловлар билан) ёки стандарт тартибда (асосий қарз тенг қисмларда) амалга оширилиши мумкин. |
| Bir kişiye kullandırılabilecek azami mikro borçtutarı/limiti; müşterinin diğer banka/Bankamız riskleri ile varsa kapanacak kredi riskleri dikkate alınmak suretiyle, toplam aylık taksit tutarları en fazla ortalama aylık net gelirinin **%50'ne** kadar olacak şekilde belirlenebilecektir. | Бир шахсга ажратилиши мумкин бўлган микроқарзнинг энг юқори миқдори/лимити мижознинг бошқа банк ҳамда Банкимиз таваккалчиликлари билан сўндириладиган ойлик кредит тўлови миқдори энг кўпи билан ойлик ўртача соф даромадларининг **50%** гача қадар бўлган шаклда белгиланади. |
| Mikro borç müşterinin banka hesabına geçirme veya nakit para verme yoluyla  verilebilir. | Микроқарз накд пулсиз шаклда мижознинг банк картасига ўтказиш йўли билан ёки накд пул кўринишида ажратилиши мумкин. |
| Bir borçluya verilecek mikro kredi tutarı Özbekistan Cumhuriyeti mevzuatı ile belirlenen asgari ücretin 100 (yüz) katını aşmayan tutarda belirlenir. | Битта қарз олувчига бериладиган микроқарз миқдори Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган базавий ҳисоблаш меъёрининг 100 (Бир юз) баробаридан ошмаган миқдорда белгиланади. |
| Kredi ile ilgili yükümlülüklerin yerine getirilmesi için aşağıdaki teminat türleri kabul edilir:<br>- Mülk (taşıt araçları, para meblağları, bankaların mevduat | Кредит бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун қуйидаги таъминот турлари қабул қилинади:<br>- мол-мулк (транспорт воситалари, пул маблағлари, банкларнинг |

| | |
|---|---|
| sertifikaları) teminatı;<br>- 3-şahıs kefaleti;<br>- Banka veya sigorta kurumu kefaleti. | омонат сертификатлари) гарови;<br>- 3-шахс кафиллиги;<br>- банк ёки суғурта ташкилоти кафолати. |
| Dilekçe ve tüm ilgili evraklar sunulduktan sonra 3 banka iş günü içerisinde ilgili kredinin gözden geçirilmesi ve sonuçlanması gerekmektedir. | Ариза билан тегишли ҳужжатлар Банкка тўлиқ тақдим этилганидан сўнг, Ваколатли орган/шахс 3 (уч) банк иш кунидан ошмаган муддат ичида, ўз ваколатлари доирасида ушбу ариза бўйича асослантирилган ҳолда қарор қабул қилиши лозим. |
| 14.5 **KMH (overdraft) Kredisi** | 14.5 **Овердрафт Кредити** |
| Açık Kredi, Bankanın kurumsal müşteri elemanlarına ve Banka elemanlarına, onların maaş plastik kartlarına limit açma yoluyla sunulmaktadır. | Овердрафт Банкнинг корпоратив мижозлари ходимларига ва Банк ходимларига, уларнинг иш хақи бўйича пластик карталарига лимит очиш оқали тақдим этилади. |
| Bankanın kurumsal müşterisinin açık krediden yararlanmakta olan elemanın maaşının tamamını banka plastik kartı ile alıyor olması, onun işvereni olan tüzel kişinin ise açık kredi sözleşmesinin geçerli olduğu dönemde elemanının maaşı ve ona eşleştirilmiş ödemeleri tam olarak elemanın Bankadaki plastik kartına para ile havale etmesi gerekmektedir. Ayrıca yine işveren bu elemanın işten azledildiğinde Bankaya zamanında tebliğ etme yükümlülüğünü üstlenmelidir. | Банк корпоратив мижозинининг овердрафтдан фойдаланаётган ходими, иш хақини 100% пластик карта орқали олаётган бўлиши, унинг иш берувчиси бўлган юридик шахс эса, овердрафт шартномасининг амал қилиш пайтида ходимининг иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловларини тўлиқ равишда ходимнинг Банкдаги пластик картасига ўтказиб бориши, ушбу ходим ишдан бўшатилганда Банкка ўз муддатида хабар қилиш мажбуриятини олиши лозим. |
| Açık kredi, müşterinin ortalama maaşının (emekli maaşının) 3 misline olan kadar ki kısmı için 12 aya kadar süreyle yeniden canlanacak (revolver) şekilde ve kredileme döneminin son 6 ayı devamında her ay eşit kısımlar ile iade etme şartı ile verilir. | Овердрафт мижознинг даромадлари тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда ўртача ойлик иш ҳақининг (пенсиянинг) 3 баробаригача бўлган миқдорда 12 ойгача бўлган муддатга қайта тикланадиган (револьвер) шаклда, кредитлаш даврининг сўнгги 6 ойи мобайнида ойма-ой тенг қисмларда қайтариш шарти билан берилади. |
| Müşteriler, açık kredi hesabına plastik kartlarındaki paraları istediği | Мижозлар, овердрафт кредити ҳисобига пластик карталаридаги маблағларини исталган эхтиёжлари учун сарфлашга хақли. |
| | Овердрафт бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун қонунчиликда рухсат этилган таъминот шаклларидан бири ёки бир нечтаси қабул қилинади, шу жумладан, мижознинг иш берувчиси бўлган юридик шахс кафиллиги ҳам олиниши мумкин. |
| | Ариза ва барча тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг, 3 (уч) банк иш куни мобайнида мазкур масала Банк томонидан кўриб чиқилиши |

| | |
|---|---|
| ihtiyaçlarına harcayabilir<br>Kredi yükümlülüklerinin yerine getirilmesi için mevzuatta izin verilen teminat şekillerinden biri veya birkaçı kabul edilir, bu sırada müşterinin işvereni olan tüzel kişinin kefilliği de alınabilir.<br>Dilekçe ve diğer ilgili evraklar teslim edildikten sonra, 3 (üç) banka iş günü içinde Banka tarafından incelenmesi ve ilgili kararın alınması gerekir | ҳамда тегишли қарор қабул қилиниши лозим. |

## 15 ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

15.1. Мазкур Тартиб тасдиқланган кундан эътиборан кучга киритилади ва банкнинг барча тегишли таркибий тузилмалари учун бир хил амал қилади.

15.2. Мазкур Тартибда қайд этилмаган ва юзага келган ҳолатлар амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.